

РЕСПУБЛИКА МУСИҚА ВА САНЪАТ КОЛЛЕЖИ О'ЗБЕКИСТОН  
RESPUBLIKASI OLIIY TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI  
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MADANIYAT VAZIRLIGI

*Respublika musiqa va san'at kolleji*  
*"xalq cholgulari" kafedrasi o'qituvchisi*  
**Ibragimov Azamjon Axmadjanovich**

Ўзбек мусиқа санъатида чолғу ижрочилиги муҳим йўналиш ҳисобланади. XX асрнинг 30-40 йилларида Халқ чолғулари оркестрда фойдаланиш, товуш кўпайишини кучайтириш ва созланишини такомиллаштириш мақсадида ўзбек халқ чолғулари такомиллаштирилган. Бу жараёнда бастакор ва созанда Ашот Иванович Петросянц (1910-1978) ҳам фаол иштирок этади. У 78 халқ чолғусини реконструкция ишида қатнашган ва Дутор бас каби янги турдаги чолғуларни яратган.

Ашот Иванович Петросянц 1952-йили биринчи бўлиб “Дутор бас ижрочилиги” номли қўлланма яратиб, мазкур чолғунинг беш чизикли нота ёзувида ижро йўллари белгилаб берган. Ушбу қўлланмада у ёзадики: “Дутор бас-янгидан яратилган чолғу бўлиб, товуш ҳажми бўйича қуйи регистрга эга. Унинг нотаси бас калитига юқори регистр – тенорда ёзилади”. Бу белги қуйдаги кўринишдан иборатлиги маълум:



Ашот Иванович Петросянц Тушунтиришда давом этиб дейди: “Тўрт торни Дутор бас чолғуси қуйдаги кивинта бўйича созланади:”



Олим дейдики: “А нотали биринчи тор теридан қопланган уч тор эса металдан ясалган”. Тўрт торни Дутор бас тўлиқ созланиши қуйдагича эканлигини эслатиб ўтиш жойиз:



Тақидлаш лозимки, Ашот Иванович Петросянцнинг Дутор бас чолғу ижрочилиги услуби илмий хусусиятга эга бўлса ҳам, ундан болалар мусиқа ва санъат мактаблари, санъат ва маданият коллежлари машғулотларида фойдаланиш жуда қўл келади. Чунки бу ижро услуби қулай, осон ва табиийдир олим дейдики, “Дутор бас чолғуси медиатор билан тремоло, стакато, приёка парада ижро қилинади ва шунингдек ўнг қўлда pizzado приёнида чалиниши ҳам мумкин”. Шундан сўнг олим Дутор бас чолғусининг позицияларини жадвалда келтириб ўтади. Очигини айтканда бу жадвалдан ҳозирги

кунгга қадар фойдаланиб келинмоқда ва янги авлод ўқув қўлланмаларида айнан Ашот Иванович Петросянцнинг жадвали акс этмоқда.

Келажакда етук созанда-ижрочини тарбиялашда биринчи машғулотлариданок ижро этиш ҳолатига (постановкага) жиддий эътибор берилади. Сабаби, ушбу ҳолатнинг ўқувчи томонидан нотўғри ўзлаштирилиши келажакда маҳоратининг усишига салбий таъсир этиши мумкин. Шунингдек қўллар ҳолати, медиаторларни эркин ушлаш кўникмалари аста-секин сингдириб борилади. Иккала қўлда ҳам бир ҳил кучдаги зарбага эга бўлиш учун махсус машқ ва гаммалар чалиш тавсия этилади. Нотага қараб чалиш ва тўғри ишлай билиш кўникмаларини ўзлаштириш ҳам эътибордан четда қолиши керак эмас.

“Дутор бас чолғуси” йўналиши бўйича таҳсил олаётган ўқувчилар ўз йўналишлари бўйича амалий машғулотлар жараёнида яқка чолғучилик оркестр ва ансамблларида ўз ижро маҳорати ва кўникма ва билимларни амалда қўллаб яқка чолғу ижрочилик қоидаларига амал қилишни ўрганиш ва чолғучиларга қўйиладиган талабларга қатий риоя қилган ҳолда ишлашлари талаб қилинади. Ички ва таташки интизомни шакиллантириб келажакдаги ижод йўлларида ҳам тартиб интизомларга кўникиб боришларини ва ўз ижодларини ва жамоа ижод фаолиятларига ҳурмат билан ёндошишлари талаб этилади.

“Дутор бас чолғуси” барча соҳа йўналишларидан тартибли интизомли кўрсаткичлари яхши бўлади. Шунингдек “Халқ чолғулари” оркестри ва ансамбллари жамоасида ижодий баркамолликка эришиш омилларидан бири унда маълум интизомни жорий этиш ҳисобланади.

Зеро, Ашот Иванович Петросянцнинг Дутор бас чолғу ижрочилиги услуби ўзига хос хусусиятларга эга. Шу сабабли унинг ўқув қўлланмаси ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилса фойдали иш бўлар эди.